



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (13.341)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадида:

1. Куйидагилар республикада автомобиль транспортида йўловчилар ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;

йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш жадвалларига қатъий риоя қилини таъминлаш, йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш жадвалларига қатъий риоя қилини таъминлаш;

автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммасига йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклансин, қуйидагилар агентлигининг қўшимча функциялари этиб белгилансин:

йўналишларда йўловчилар ташиш транспортида хизматлар кўрсатиш юзасидан намунавий контрактларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларда аҳолига сифатли ва хавфсиз автотранспорт хизматларини кафолатли таъминлаш учун оптимал шарт-шароитларни назарда тутиш;

йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, онлайн (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва "ишонч телефонлари" орқали аҳоли билан мулоқот механизmlарини босқичма-босқич жорий этиш; ташувчилар томонидан йўналишларда хизмат кўрсатиш юзасидан лицензия талаблари ва шартларининг, контрактларнинг бажарилиши, йўловчилар ҳуқуқларига, белгиланган ҳаракатланиш жадвалларига, транспортда юриш тарифларига риоя этилиши, қонунчиликнинг, шу жумладан, санитария қоидаларининг бузилишлари ва хизмат кўрсатиш маданиятининг паст бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш.

3. 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил этишнинг мақсадли параметрлари;

2- ва 3-иловаларга мувофиқ 2017-2021 йилларда янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш параметрлари;

4-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш тадбирлари.

4. Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан Мазсуляят Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда:

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва параметрларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини икки ҳафта мuddатда ишлаб чиқишлигини;

2018 йил 1 июлгача бўлган мuddатда Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлқира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини;

ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида ахборот киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда икки ой мuddатда, енгил конструкциялардан ҳамда нархлари ва сифат кўрсаткичлари бўйича қулай бўлган, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган материаллардан (металл конструкциялар, сандвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда автовокзаллар, автостанциялар ва йўналишлардаги тўхташ пунктларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқишлигини таъминласин.

7. Маҳаллий бюджетлар, "Ўзавтосаноат-лизинг" МЧЖ, бошқа лизинг ташкилотлари маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

8. Акциядорлик тижорат Халқ банкига, зарурат бўлганда, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоиз ставкаси билан, келгусида "Ўзавтосаноат-лизинг" масъулияти чекланган жамияти ва бошқа лизинг ташкилотларини молиялаштириш учун йиллик 0,5 фоиздан кўп бўлмаган тижорат банклари маржаси билан умумий миқдори 100 миллиард сўмгача ресурслар ажратиш тавсия этилсин.

(Давоми 2-бетда)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни АРМИЯ – ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда "Миллий армия – Ватанимиз ва тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқони" мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳарбий хизматчилар ва мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, пойтахтимиздаги олий ҳарбий ўқув юртлири курсантлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати К.Каромова ва бошқалар Қуролли Кучларимиз мамлакатимизни барқарор ва изчил ривожлантиришнинг кафолати эканини таъкидлади. Мустақиллик йилларида мудофаа соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Замон талабларига жавоб берадиган, яхши қуролланган ва техник жиҳозланган, юксак жанговар тайёргарликка эга миллий армиямиз ташкил этилди. Бугунги кунда ҳарбий хизмат нафақат конституциявий, балки шарафли бурчга, миллий армиямиз эса ватанпарварлик ва мардлик мактабига айланди.

Тадбир доирасида давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, юксак маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига содиқлигини намоён қилган ҳарбий хизматчиларга "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони тантанали равишда топширилди. Улар орасида алоқа гуруҳи командири сержант Ойбек Нурматов ҳам бор.

Болаликда акам иккаламиз аскарларга ҳавас қилиб, ҳарбий бўлишни орзу қилардик, – дейди ЎЗА мухбирига Ойбек. – Радиотехника ва радиоалоқа асосларини пухта ўрганганимиз бизга алоқачи касбини эгаллаш ва ҳарбий бўлишимизга ёрдам берди. Ушбу эсдалик нишони билан тақдирланганимдан хурсандман. Бундан бунён ҳам Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиш ва ўз маҳоратини оширишга ҳаракат қиламан.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.  
Р.БОНДАРЧУК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан тингловчи-курсантлар ўртасида "Буюк келажагимиз посбонлари" кўрик-танлови ўтказилди.

## БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Тадбирда мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ватан ҳимоясини буюк шараф деб билган курсант ва тингловчилар турли танлов ҳамда мусобақаларда юксак ирода ва матонатлари ҳамда жанговар салоҳиятини намоёни эълон қилди.

Танловда беш жамоа икки босқичда ўзаро беллашди. Кўрик-танловнинг биринчи босқичда жамоаларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги синдовдан ўтказилди.

ИИВ академияси Маънавият ва маърифат марказида кўрик танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу босқичда

жамоалар танишув, Ватан мадҳи, савол-жавоб, саҳна маҳорати каби шартлар бўйича ўз иқтидорини намоёни эълон қилди. Ҳар бир саҳна кўриниши ҳақамалар хайъати томонидан баҳолаб борилди. Ҳақамалар кўтарилган мавзунинг долзарблиги, тарбиявий аҳамияти ва иштирокчиларнинг актёрлик маҳоратига баҳо берди.

4-ўқув курсининг "Ватан қалқонлари" жамоаси ғолиб, деб топилди. Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсининг "Темурийлар" жамоаси иккинчи, 3-ўқув курсининг "Замонавий йигитлар" жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Тадбир якунида танлов иштирокчиларига совғалар топширилди.

Н.НАСРИЕВ,  
ЎЗА мухбири

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### АХБОРОТ СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари: ахборот соҳасининг ривожланиш истиқболлари" мавзuida семинар ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Иқтисодий, Молия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Матбуот ва ахборот агентлигининг масъул ходимлари, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Парламент қуни палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ахборот со-

ҳасини яқин ва ўрта мuddатли истиқболда ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Телекоммуникация тармоқлари, симсиз ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши, унинг рақобатбардошлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жорий йилда мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи

юридик шахсларнинг абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларидан шаклланадиган маблағларнинг давлат бюджетига йўналтириладиган улуши бевосита абонент рўйхатга олинган жойдаги маҳаллий бюджетга ўтказиб берилади. Бу минтақаларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш имконини яратди.

2017 йилда маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларини рағбатлантириш чораларини янада кучайтириш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилади. Хусусан, маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларга солиқ ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши 2020 йил 1 январьгача узайтирилди. Бу мазкур тармоқ миллий иқтисодиётнинг сердаромад, инновацион секторига айланишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)



• Нукусда харидорларга замонавий стандартлар бўйича хизматлар кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган янги савдо маркази фаолият бошлади.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Аскар оналарини шарафлаймиз" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳоким-

лиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари, мудофаа ишлари бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фарзандлари юртимизнинг турли худудларида Ватан олдидаги шарафли бурчини ўтаётган аскарларнинг оналари, Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларда мuddатли хизматни ўтаётган аскар йигитлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Зангиота туманида Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари, мудофаа ишлари бошқармалари, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги маданий-маърифий тадбир "Аскар оналарини шарафлаймиз" деб номланди.

• Самарқанд туманида қишки дала ишларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



• "Quartz" манбасидан олинган маълумотга кўра, Дунёнинг ўзаро мувофиқлаштирилган вақти (UTC)га 2016 йилнинг 31 декабрь куни бир сония вақт қўшилди. Яъни бир сония UTC вақти UT1 (ўрта Кўёш вақти)дан 0,9 сония фарқ қилиб қолмаслиги учун қўшилган. Бунга қадар вақтга жами 26 марта қўшимча қилинган бўлиб, охириги марта кординацияланган сония 2015 йилнинг 30 июнь куни саналган. Агар келажақда ер тобора секин айланиб, UTC ва UT1 вақтлари орасидаги тафовут ортиб борса, сониялар ҳам ўсиб бораверади.

• Хитойнинг Сянган шаҳрида Нангандау ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган метро йўналиши очилди. Бу Хитойда ҳайдовчи кабинаси бўлмаган ва тўлиқ автоматик бошқариш

тизимига эга илк поезддир. Бутун линия энг юқори тезлиги 80 километр соатни ташкил қилувчи 10 та поездди ўз ичига олади. Поездлар мустақил равишда ёқилади, ишлайди, носозликларни аниқлайди ва автоматик равишда тозалана олади.

• Швециялик олимлар ўтказган янги тадқиқот жарқалдирғочларнинг ўн ой давомида тинимсиз парвоз қила олишини исботлади. Жарқалдирғочлар илқ ҳаво оқимида мувозанатни сақлаб, энергияни тежайди ва юқори баландликдан пастга учини режалаштираётган вақтда мизгиб олади. Лунда университети олимлари Фарбий Африкадан Марказий Африка томон учётган 19 жарқалдирғочни мунтазам кузатиш. Шулардан учтаси бирор марта ҳам ерга қўнмади. Қолганлари эса фақат фавқулодда вазиятлар, жумладан, инжиқ об-ҳаво туфайли парвозни тўхтатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

9. 2022 йилнинг 1 январига бугун мунтазам: четдан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларида банд бўлган автобуслар ва микроавтобусларнинг иши устидан онлайн режимида (GPS), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича шаҳар йўловчилар ташиш транспортида юрганлик учун электрон тўлов тизимларини масофадан кузатиб боришни жорий этиш учун мўлжалланган усунулар, механизмлар, материаллар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

роавтобусларда ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинсин.

10. Дастур бажарилишининг доимий мониторингини олиб борилишини таъминлаш бўйича 5-иловага мувофиқ таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилсин. Куйдагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тармоқ жадвалларига мувофиқ Дастур тадбирлари амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш ва таҳлил асосида Дастур амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

шаҳарлар ва қишлоқларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизими, йўловчилар автовокзаллари, автостанциялар, охириги тўхташ пунктларини қуришга инвестицияларни амалга ошириш учун хусусий инвесторларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

янги автобуслар ва микроавтобусларни сотиб олиш юзасидан шартномаларни келишиш ва амалга оширишда, уларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий, модернизациялаштирилган пунктларида айнан бир хил техник хизмат кўрсатишни таъминлашда автомобилда ташувчиларга кўмаклашиш;

ёқилги қиймати ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда йўлқира тарифлари ўз вақтида қайта кўриб чиқилишини назорат қилиш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ташувчиларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика шаҳарлари ва қишлоқларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича бир ой муддатда қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 10 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда автомобиль транспорти соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилди, авто-транспорт хизматларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари изчил бажарилмоқда.

Йўловчилар ташийдиган автомобиль транспортининг янги мунтазам йўналишлари ҳамма жойда очилмоқда, ҳозирги вақтда уларнинг сони 4,3 мингтадан ошди.

Фақат сўнгги 3 йилнинг ўзиде, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 мингга яқин автобус ва 12 мингга яқин автомобиль фойдаланишга топширилди. Янги автовокзаллар ва автостанциялар барпо этилмоқда, эскилари реконструкция қилинмоқда.

Бироқ, автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини, айниқса, қишлоқ жойларда такомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам фаоллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарур.

Қабул қилинган қарор айнан республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда авто-транспорт хизматлари билан таъминлашни янада яхшилашга, йўловчилар ташиш хавфсизлигини оширишга қаратилган.

2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтайдиган шаҳарларро қатновларда очиб назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиб билан биргаликда, асосан автобуслар етишмаслиги тўғрисида қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади.

Келгуси 5 йилда 8,6 мингга йўловчи

ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.

Автостанциялар, тўхташ бекатлари енгил конструкциялардан ва асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган арзон материаллардан (металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилади.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг иштини масофадан онлайн режимида (GPS) доимий кузатиш.

2018 йилнинг 1 июль санасига қадар Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар транспортида йўл ҳақини банк пластик карточкасида нақд пулсиз тўлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига тарихий ва институционал ўзгартириш, хизматлар бозори шаклланиши ва ривожланишига ҳамда автомобилларда ташиш хавфсизлиги масалаларини ҳал қилиш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш юкланмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг аҳоли билан веб-сайт, “Ишонч телефонлари” орқали мулоқотининг амалий механизми таъминланади.

Келгуси 5 йил мобайнида Дастурни молиялаштиришга 840 миллиард сўмдан

зиёд, асосан “Ўзавтосаноат-лизинг” ва бошқа лизинг компанияларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хусусий инвесторларнинг ўз маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар йўналтирилади.

Қарорда лизинг компаниялари ва ташувчиларнинг ўзлари янги сотиб оладиган микроавтобуслар учун Республика йўл жамғармасига тўланадиган йиғим тўловидан озод қилиниши назарда тутилган.

Четдан келтириладиган ва республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, автобуслар ва микроавтобусларнинг иштини онлайн режимида (GPS) мунтазам тарзда масофадан кузатиб боришни, шунингдек, йўлқирани нақд пулсиз тўлаш тизимини жорий этиш учун мўлжалланган барча материаллар, асбоб-усунулар, деталлар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилиниши ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, юридик шахслар шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарларро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобусларда йўловчилар ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинмоқда.

Дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ишчи гуруҳ мунтазам мониторингинг олиб боради. Куйдагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

тармоқ жадвалларига мувофиқ Дастур тадбирлари амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш ва таҳлил асосида Дастур амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини

такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

шаҳарлар ва қишлоқларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизимига, йўловчилар автовокзаллари, автостанциялар, охириги тўхташ пунктларини қуришга инвестицияларни амалга ошириш учун хусусий инвесторларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

янги автобуслар ва микроавтобусларни сотиб олиш юзасидан шартномаларни келишиш ва амалга оширишда, уларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий, модернизациялаштирилган пунктларида айнан бир хил техник хизмат кўрсатишни таъминлашда автомобилда ташувчиларга кўмаклашиш;

ёқилги қиймати ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда йўлқира тарифлари ўз вақтида қайта кўриб чиқилишини назорат қилиш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ташувчиларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

Қарорнинг амалга оширилиши йўловчилар ташиш хавфсизлигини, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ва сифатининг юқори даражасини, жамоат транспорти йўналишларидаги транспорт воситалари ҳаракатининг белгиланган жадваллари ва оралиқлари маромига риоя этилишини, автотранспортда йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишини ҳамда ташувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашди.

АХБОРОТ СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари кўрсатилган хизматлар учун белгиланган солиқ имтиёзлари 2020 йил 1 январига узайтирилган. Ушбу имтиёзлар ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, ёшларда китоб ўқишга муҳаббатни шакллантириш, жамиятда муҳим ва ишончли ахборотларни тарқатиш борасидаги ролини янада ошириш имконини беради.

Биринчи Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситаларига тақдим этилаётган имтиёзларнинг яна икки йилга узайтирилиши тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журналистлар меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш, миллий масс-медиа воситаларининг рақобатбардошлигини оширишга замин яратди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини кўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар ажратиш, субсидия ва давлат бююртмалари шаклида кўрсатилши давом эттирилмоқда.

Бехзод БОЗОРОВ, ЎЗА муҳбири

ШАҲРИМИЗНИНГ ОБОДЛИГИ ВА ФАЙЗИ ЙЎЛГА

**Пойтахтимизни айланиб, ўзимиз таъмирлаган, янги жило берган биноларимизни кўрк билан турганини кўриб, фахрланаман. Дўстларимга, фарзандларимга қилган ишларимни кўрсатиб, қувонгим, шаҳримизни янада файзли ва обод бўлишига жамоат билан ҳисса қўшаётганимдан мамнунлигимни айтигим келади...**

Бу фикрлар кундан-кунга бунёдкорлик кўлами кенгайиб бораётган шаҳримизда фаолият юритаётган “Техкафолат люкс” хусусий корхонаси раҳбари Аҳмаджон Нехобоевнинг дил сўзлари эди.

Корхона 2007 йилда ташкил этилган бўлса, ўтган даврда турли қурилиш-таъмирлаш ишларини бажармоқда. Мазкур корхона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланиб келмоқда. Ана шундай маблағлар эвазига ўтган йилда фасадлар учун ҳар хил рангдаги бўёқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кўп тармоқли корхонада ҳозирда қирқ нафарга яқин йигит-қизлар фаолият юритмоқда.

— Биринчи гада ҳар бир юмушга масъулият билан ёндашиб, уни сифатли бажариш керак, — дейди А.Нехобоев. — Айниқса, бино-иншоотларни қуриш ва таъмирлаш алоҳида эътиборни талаб этади. Йўқса, бир қатор муаммолар юзага келиши, энг ёмон эса бинога бирор зарар етса, унда яшаётган, ишлаётган фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги хавф остида қолиши мумкин. Анди ҳисоб-китоблар асосида ҳар йили давлат тендерларида иштирок этиб, янги объектларда меҳнат қилиш имкониятини ютиб оламиз. Натихода ўнлаб корхона, ташкилот биноларининг фасад, тўқ қисминини ёпиш, ички деворларини таъмирлаш, реконструкция қилиш борасидаги бююртмалари бажарилмоқда.

Ўтган йиллар давомида корхона таъмирлаган бино ва иншоотларнинг саногидан адашиб кетиш ҳеч гап эмас. Мисол учун, Муҳимий театри, политехника институти қошидаги 5-лицей, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар кенгашининг ички биноси ва яна кўплаб вазирликлар, идоралар ва банк бинолари замонавий қиёфа касб этмоқда.

— Ҳозирда смета ҳужжатлари тузиш соҳасида изланишлар яқунланиб қолди, — дейди тадбиркор. — Йил охирига қадар ўзимиз таъмирлаган биноларга янги дизайндаги офис мебеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ана шунда корхона ишчиларининг моддий манфаатдорлигини янада ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имкони яратилади.

Албатта, ҳар бир тадбиркор бугун келажагини янада ёрқинроқ бўлишини олдиндан билмоқда. Бунда эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони янги босқични бошлаб берди. Фармонда 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинган. Юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мунозаралар асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно.

— Энди янада рағбат ва куч билан ишлаш зарур, — дейди А.Нехобоев. — Энг муҳими ҳар бир қадимимизни қонунда кўрсатилган асослар кўмагида қўйса, келгуси фаолиятимиз янада юксалиши шубҳасиз.

Фарход ОҚИЛОВ, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори ЎЗА

Зиёда ВОХИДОВА

Муносабат

ХАЛҚ ИШОНЧНИ КЎЗОНИШ — АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январда солиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувда соҳа ходимлари олдида қўйган вазифалар жойларда ўрганилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар бир инсоннинг малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш борасида амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу йўналишдаги эзгу ишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг таъаббуси билан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, халқимизни дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжман динионалиги ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Тиббиёт соҳасига давлат даражасида қаратилётган бундай эътибор натижасида шифо муассасаларининг моддий-техник салоҳияти юксалмоқда. Жумладан, урология соҳасида диагностика ва даволаш ишлари йилдан-йилга такомиллашмоқда. Республика ихтисослаштирилган урология марказида йилга ўттиз мингга яқин бемор ана шу йўналишдаги замонавий тиббий-маслаҳат ва даволаш ёрдамидан фойдаланаётди. Бу ерда йилга саккиз мингдан зиёд турли даражадаги жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Соҳага юксак тиббий технологияларнинг кириб келиши тўғрисидаги операция билан даволанган кўпгина хасталикларни тигизиб даволаш, беморларни соғлом ҳаётга қайтариш имконияти кенгаётди. Бугунги кунда урологик хасталикларнинг салмоқли қисми эндоскопия усулида даволанмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида урология бўлими ташкил этилиб юксак тиббий технологиялар билан жиҳозлангани, Республика урология марказининг Урганч филиали ташкил этилгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги илгор усуллари ҳудудларга ҳам изчил татбиқ этиш, замонавий тиббий ёрдамни халқимизга яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Эришилаётган бундай ютуқлар билан бирга талай долзарб вазифалар ҳам ўз енчимини кўтмоқда. Халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамга кундан-кун ўсиб бораётган талабини қондириш, юртимизнинг чекка ҳудудларида яшаيدиган аҳолини ҳам бундай замонавий тиббий ёрдамдан тўлиқ баҳраманд этиш зиммамизга катта масъулият юкляпти.

Президентимиз учрашувда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш борасида қилган мунозараларига ўз вақтида тез ва самарали жавоб қайтариш ишларини яхшилаш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб тиббий хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг барчаси Тошкент шаҳрида жойлашгани қишлоқ туманларида яшайдиган аҳоли бундай замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланишда муайян қийинчилик туғдираётганини қайд этилди. Бу муаммонни бартараф этиш учун ихтисослаштирилган марказлар олимлари ва шифокорлари ҳудудларга қиёб аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиши, хусусан, жарроҳлик муолажаларини амалга ошириши масаласи илгари сурилди.

**Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!**

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллиги муносабати билан “Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси” мавзусида “Тошкент – Нукус” видеомулоқоти ва “Аскар оналарини шарафлаймиз” деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**



**АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ**

Мақсуд тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида йигитлик бурчини ўтаётган тошкентлик аскарларнинг ота-оналари, устозлари, пойтахтимиздаги ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаётган қорақалпоғистонлик аскарлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар мамлакатимизда тезкор, ихчам, замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган профессионал армия шакллантирилганлигини ва шу тўғрисида, хонадонларимизда осудалик, осмонимиз мусофоллиги, бугунги бахтиёр ҳаётимиз, шубҳасиз миллий армиямизнинг кенг қўламдаги ишлари самараси эканлигини таъкидлаб ўтишти.

Видеомулоқотда аскарлар ота-оналарига замонавий шароитларга эга бўлган ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчини фахр билан ўтаётганини сўзлаб бердилар.

– Ватанимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман, – дейди қорақалпоғистонлик аскар Темурбек Реимбаев. – Ҳарбийлик касбининг шараф ва масъулияти мени янада серграқоқ бўлишга ва она Ватанимга муносиб фарзанд бўлиб хизмат қилишга чорлайди. Экран орқали онам билан суҳбатлашиб, ўзимни бахтиёр ҳис қилдим. Бизга шундай шароитларни яратиб берган ташкилотчиларга барча аскарлар номидан миннатдорлик билдираман.

Тадбирда “Ўзбекино” миллий агентлиги ва “Соғлом авлод учун” жамғармасининг шаҳар таянч маскани билан ҳамкорликда аскарларнинг оила аъзолари билан суҳбати, уларнинг тиббий кўриги ҳақида тасвирга олинган видеоларча намойиш этилди.

Видеомулоқот доирасида келажакда ҳарбий хизматга боришни ният қилган “Қамолот” ЁИХ фаоллари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари аскарлар билан мулоқот қилиб, уларни қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

– Бу тадбир юрагимга бир олам шодлик бағишлади, – дейди Чилонзор туманидан ташриф буюрган онахонимиз Мамлакат опа Толибжонова. – Кўнглимда кечаётган ҳис-туйғуларимни ифодалашга сўз ожизлик қилаётгандай. Ўғлим ҳарбий хизматда янада ўқтам ва норуғул йигитга айланибди. У она юртимизга сидқидилдан хизмат қилаётганини фахр билан сўзлаганда кўзларимга бахтиёр кувонч ёшлари келди. Мен ўғлим билан гурурланаман. Мен аввало муҳтарам Президентимизга ва шундай онлайн тарзидаги мулоқотни ташкил қилган Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳамда бошқа ташкилотчиларга оналар номидан раҳматлар айтаман.

Тадбирда ҳарбий хизмат даврида бошқаларга намуна бўлаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналарига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Эл севган шоир ва санъаткорларнинг она Ватан, тинчлик, мардлик ва жасоратни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлари тадбирнинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**  
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

**Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ**  
**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИНИНГ 2017 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 31 декабрь, 52(1)-сон) 28, 99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-122-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2016 йил 29 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2017 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 142/18-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги 1177-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2016 йил 31 декабрдаги 01-3/1910-сонли хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2017 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида”ги 1177-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар: Яккасарой туманининг 2017 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ; умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2017 йил учун нақд пул қасса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Яккасарой тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари куйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 73 169 937,0 минг сўм; харажатлар – 73 169 937,0 минг сўм.

4. Яккасарой туман Молия бўлими Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгартириш киритилишига рухсат берилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУК-нинг Яккасарой туман тармоқ администратори (Ш.Ахмадҷонов):

Мақсуд қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва [www.yakkasaroy.uz](http://www.yakkasaroy.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мақсуд қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Яккасарой тумани ҳокими**  
**С.Махаметов**

2017 йил 5 январь

**Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) сайти орқали танишиш мумкин.**

**ИЖОД ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ**

**Таниқли rassom Радик Азизов “Наврўз”, “Мустақил Ўзбекистон”, “Рассом ва табиат”, “Тасвирий санъат ҳафталиги”, “Чизиқ ва рангдаги уйғунлик” каби кўргазмалари билан мухлислар эътиборини қозонган истеъдодли ижодкор. У мамлакатимиз ва хорижда ўтказиладиган танловлар иштирокчиси ҳамда халқаро мукофотлар соҳибдори.**

Радик Азизов айни кунда кизгин ижод билан машғул. У ҳар бир яратган асарини ихлос билан имтиҳондан ўтказишга оdatланган. Шу сабабли мусаввир учун Ўзбекистон Бадиий академияси Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи севимли ижод масканига айланган. У ҳар йили бу ерда ўзининг шахсий кўргазмасини ташкил қилиб, ижодини бойитиб боради.

– Мусаввир табиат, яшиллик, гўзаллик ва замондошларидан илҳом олади, – дейди у. – Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи ҳам ёш истеъдод эгалари, ижодкорлар билан ҳамма ҳаммушарраф. Бу ерда мунтазам кўргазмалар ташкил қилишнинг боиси ҳам шунда. Пойтахтимизнинг кўпплаб санъат масканларида ижодимни намойиш қилганман. Лекин бу сарой мен учун жуда қадрли. Бу ерда кўпплаб мухлислар олқушига ва эътироғига сазовор бўлганман.

Дарвоқе, Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи бугунги кунда Радик Азизов сингари ижодкорларнинг севимли гўшасидир.

– 2004 йилда очилган Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи бугунги кунда мамлакатимизда навқирон авлоднинг миллий анъана ва қадриятларимиз, бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини тарғиб этишдек улкан мақсадларга хизмат қилмоқда, – дейди Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи директори Ф.Усмонов. – Шу билан бирга, фаолиятимизнинг яна бир асосий мақсади Буюк ипак йўлининг маркази сифатида эътироф этилган Ўзбекистоннинг бой маданий, тарихий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш, халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир.

Ушбу сарой биноси кўргазмалар ташкил қилишга мўлжалланган бўлиб, бу ерда махсус заллар, музей бўлими, таъмирлаш устaxonаси ва кутубхона мавжуд. Шунингдек, бинонинг пастки қава-тидаги иккита кўргазма залида археологик топилмалар экспози-

цияга қўйилган. Сарой ховлисида Дўстлик боғи ташкил қилинган ва “Хиросима тинчлик тоши” монументи ўрнатилган. Бу ерда ҳар йили тасвирий ва амалий санъат йўналишида эллиқдан ортиқ кўргазма ўтказилади. “Биз бахтли болаларимиз”, “Баркамол авлод ижодкорлари”, “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”, “Жаҳон халқлари кўғирчоқлари” лойиҳаси доирасида “Ўзбек кўғирчоқлари”, “Атлас ва адрас намойиши”, “Нозик қалб торлари”, “Нақшларда мангулик сири”, “Баҳор вернисаж” каби кўргазмалар шулар жумласидандир.

– Карвон саройда кўргазмалар ташкил қилиш баробарида маҳорат дарслари ҳам мунтазам ўтказилади, – дейди кўргазма зали мудири Г.Саодатова. – Масалан, ҳамюртимиз rassom Гаянэ Матвеевнинг сумиз rassomлик санъати бўйича, япониялик машҳур олим Хироаки Фурушонинг археология йўналишидаги маҳорат дарсларида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари, ўқувчилари, илмий тадқиқотчилар иштирок этади. Бундан ташқари, ҳар йили июнь-август ойларида rassomларимиз мактаб ва оромгоҳларда бўлиб, тасвирий санъат сабоқларидан машғуллар ташкил этади.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда уч минг китоб фондига эга кутубхона китобсеварлар хизматида. Мусаввирлик, археология, санъат мавзуларидаги китоб ва журналлар шу соҳада таълим олаётган, илмий излашни олиб бораётган ўқувчи, талаба ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Мухтасар айтганда, Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи мамлакатимизда камол топаётган ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш баробарида ёшларни бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, рағбатлантириш, шунингдек, юртимиз тарихини жаҳонга таништириш, тарғиб қилиш орқали халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,**  
**ЎЗА мухбири**

**ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ**

**Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институтида ўтган Соғлом она ва бола йилида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда пойтахтимизнинг 11 та туманидан келган соғлиқни сақлаш тизимида тарғибот ишларига масъул шифокор ва ҳамширалар иштирок этишти.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ташкил қилиниб, шундан бери ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда. Муассасанинг асосий вазифаси соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олиш ишларини олиб бориш, тарғибот йўли орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касаллик оқибатлари ва хавфли омилларни аниқлашдан иборат.

– Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад, – дейди Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори

ўринбосари Азизбек Низомов, – ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турибмизки, ўтган Соғлом она ва бола йилида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида ибратли ишлар амалга оширилди. Аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди. Маълумки, Тошкент шаҳрида 8 ярим мингга яқин шифокорлар, 22 ярим мингга яқин ҳамширалар фаолият юритади. Улар билан ҳамкорликда аҳолининг саломатлигини яхшилаш мақсадида бир қатор йўналишларда ҳам режалар ишларга қўл урилиб, муваффақиятли адо этилди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳукумат дастурларининг ижросини таъминлаш борисида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юрталари ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий-ги-

гиеник билимларини ошириш, айниқса оналар, болалар ва ўсимирларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид профилактик тадбирларни ўтказиб келмоқда. 2016 йил давомида шифокорлар томонидан 462 минг 615 ва ҳамширалар томонидан жами 319 минг 920 та тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилган. Бунда ҳокимлик идоралари, прокуратура, ички ишлар, оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди каби ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Йиғилишда 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ҳам таклиф ва тавсиялар берилди.

**З. ШАРИФҶОНОВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**“Best realtor” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Яшнобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 13.06.2016 йилдаги 10-1609/8148-сонли ижро ҳужжати-га асосан, “Нафис дон” МЧЖга тегишли Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳри, Ғалаба МФЙ, ишлаб чиқариш зонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш биноси, омборхона, ётоқхоналардан иборат умумий ер майдони 31250,1 кв.м., қурилиш ости майдони 1724,96 кв.м., бинонинг умумий фойдаланиш майдони 1614,12 кв.м., ишлаб чиқариш майдони 1512 кв.м. бўлган 1 ва 3 қаватли маъмурий бино ва тиббий ёрдам кўрсатиш бинолари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 750 000 000 сўм.

**Аукцион савдолари 2017 йил 31 январь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00

дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 27 январь кунини соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.


Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Best realtor” МЧЖнинг АТБ “Kapitalbank” Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИHN: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz), [bestrealtor@inbox.uz](mailto:bestrealtor@inbox.uz).

Лицензия RR-0225.

**“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”**  
**ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**  
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**  
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

Спорт янгиликлари



ХАМИОРТИМИЗ ПОРТУГАЛИЯГА БОРАДИ

**ФИФА ташаббуси билан 13-17 февраль кунлари Португалияда ҳакамлар иштирокида ташкиллаштирилган халқаро семинар бўлиб ўтади.**

Кувонарли жиҳати шундаки, ҳакамлар малакасини ошириш ва уларга қўмақлашиш дастури бўйича ўтадиган семинарда ФИФАнинг барча конфедерацияларидан 55 на-  
фар инструктор иштирок этади. Эйтиборлиси, ОФКдан таклиф этилган 12 нафар инструктор орасида ҳамюртимиз Фарход Абдуллаев ҳам бор.

**Футбол бўйича мамлакат XXV миллий чемпионати чемпиони "Локомотив" жамоаси жорий йилги мавсумга ҳам жиддий ҳозирлик кўрмоқда.**

**ЖАМОА ТАРКИБИ КУЧАЙМОҚДА**

Тошкентдаги ўқув-машгулот йигини якунланганидан кейин темирйўлчилар илк хориж йигинини ўтказиш мақсадида БААнинг Дубай шаҳрига йўл олишди. 21 январга қадар давом этадиган йигин доирасида 2 та ўртоқлик учрашуви ташкил этиш кўзда ту-

тилган. Аниқ маълумотларга кўра Дубайда "Локомотив" Россиянинг "Зенит" клубига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушади. Дарвоқе, "Локомотив"га Кот-д'Ивуар фуқаролари — химоячи Муҳаммад Конне ҳамда ҳужумчи Гнохоре Кри-

зо таклиф этилган. Шунингдек, маҳаллий футболчилар — Диёр Туропов ҳамда Шухрат Муҳаммадиев ҳам "Локомотив" сафига қўшилди. Юқорида номлари келтирилган бу 4 нафар футболчи билан "Локомотив" клуби ўртасида шартнома имзоланган.

**СЕМИНАРГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ**

**Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 7-10 февраль кунлари фитнес-инструкторлар иштирокида семинар бўлиб ўтади.**

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу семинардан кўзланган мақсад китъамиз мамлакатларида ҳакамларни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этувчи фитнес-инструкторларнинг малакасини оширишдан иборат.

**ХОРИЖГА ЙЎЛ ОЛИШАДИ**

**Жорий йилги мавсумни кўтаринки кайфиятда ўтказишни режалаштирган пахтакорчилар айни дамда Тошкентда ўқув-машгулот йигинида иштирок этишмоқда.**

Таркибида бир неча ўйинчиларни синовдан ўтказётган пахтакорчилар келгуси ҳафтадан БААда ўқув-машгулот йигинини бошлайди. Тошкентда эса "Пахтакор" "Кўқон-1912" жамоаси-

га қарши назорат ўртоқлик учрашувида майдонга тушди ва якунда 2:1 ҳисобида зафар кўчди. "Пахтакор"нинг ҳар икки голига Игорь Сергеев муаллифлик қилди.

**"БУНЁДКОР"НИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ**

**Айни кунларда БААда ўқув-машгулот йигини ўтказётган "Бунёдкор" жамоаси назорат-ўртоқлик учрашуви ўтказишга ҳам улгурди.**

Ҳозирда таркибида бир неча хорижлик ва маҳаллий футболчиларни синовдан ўтказётган "Бунёдкор" жамоаси БААнинг "Ал-Шааб" командасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Муроса-

сиз ва қизиқарли кечган баҳс 2:1 ҳисобида тошкентлик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланди. "Бунёдкор"дан рақиб дарвозасини Вадим Самаритан ва Шаҳзодбек Нурматов аниқ нишонга олишди.

**САРАЛАШ БАҲСЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН**

**Футбол бўйича 2018 йилда Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этаётган миллий терма жамоалар январь ойида халқаро ўртоқлик учрашувларида иштирок этишади.**

Самвел Бабаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 23 январь кунини БААдаги ўқув-машгулот йигини доирасида Грузия терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик баҳсида кун синашди. Шунингдек, 12 февраль

кунини Туркияда бўлиб ўтадиган ўқув-машгулот йигини доирасида миллий терма жамоамизга назорат-ўртоқлик учрашувида Арманистон терма жамоаси рақиблик қилди. Миллий терма жамоамизга жаҳон чемпионатида саралаш

турнири учинчи босқичида рақиблик қилаётган Катар терма жамоаси ҳам 17 январь кунини Доҳада Молдова терма жамоасига қарши кечадиган ўртоқлик баҳсида омадини синаб кўради.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси фаолиятдан**

**РЕЖА АСОСИДА**

**Кутилмаган табиий офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир.**

Шу боис, пойтахт фуқаролари муҳофазаси учун масъул бўлган шахслар – маҳалла раисларининг ўқуви, билими ёхуд шу соҳага оид кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан тингловчиларни фуқаро муҳофазаси, фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш машгулотлари режа асосида олиб борилди.

Шахримиз туманлари ҳудудида жойлашган маҳаллалар раислари иштирокида фуқаро муҳофазасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқуллода вазиятларнинг таснифи, оқибатларини бартараф этиш, фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш дав-

лат тизимининг мақсад ва вазифалари ҳамда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишда бошқарув мазсулурига оид назарий ва амалий машгулотлар ўтказилди. Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг мутасадди ходимлари томонидан олиб борилган ўқув машгулотлари тингловчиларда кизиқиш уйғотди, десак муболага бўлмади.

Фавқуллода вазиятлар ўчоқларида қутқарувчилар ҳаракат қилиши, жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида бошқарма Кутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-ускуналари ва техникалари кўргазмаси ташкил этилиб, унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш қоидалари аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машгулотларида тингловчиларга

намойиш этилмоқда. Бошқарма офицерлари подполковник – Хусан Бобонов, Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи, майор Камолиддин Исломов ва хизматларидан Акмал Омонкулов, Маъсуда Эргашевалар томонидан олиб берилган ўқув машгулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машгулотлар баҳс-мунозарали тарзда ўтказилиб, якунда тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Бундан ташқари бошқарма ходимлари жойларга чиқиб, машгулотлар олиб боришда маҳаллаларда фуқаро муҳофазаси маслаҳатхоналарини ташкил қилишда ишлубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Хусусан, пойтахтнинг кўпгина туманларида ўтказилган мажмувий текширувлар давомида барча маҳаллаларнинг фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш режалари ишлаб чиқилиб, бошқарма бошлиғи томонидан келишилди ҳамда фуқаро муҳофазаси маслаҳатхоналари ташкил этилди.

Ҳар бир машгулотда маҳаллада истиқомат қилувчи қариялар, ёш болали аёллар ва маҳалла болаларидан иборат аҳоли катташмоқда. Шу билан бир қаторда Фуқаро муҳофазаси бурчаклари ва маслаҳатхоналарни ташкил қилишда маҳаллалар билан ҳамкорликдаги ишлар давом этмоқда.

**Азамат СУЙОНОВ, журналист**

**МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ўтказилган номоддий маданий меросни тарғиб этиш борасидаги ижодий кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди.**

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори-нинг ўринбосари Қ.Омонкулов ва бошқалар миллий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг маъно-мазмунини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни замон рухига ҳамоҳанг тарзда олиб бориш имконини бермоқда.

Илк марта ташкил этилган "Энг яхши экспедиция ва илмий тадқиқотчи" ва "Энг яхши фото ва видеолавҳа" кўрик-танловларидан кўзланган мақсад халқимизнинг бой номоддий мероси тарғиботини кучайтиришдан иборатдир. Унда фольклоршуно олимлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашди.

"Энг яхши экспедиция ва илмий тадқиқотчи" кўрик-танловида экспедиция йўналишида Қорақалпоғистон Республикасидан Сарбиназ Сапарова, илмий тадқиқот йўналишида Жиззахлик Раҳматилла Саримсоқов биринчи ўринни кўлга киритди.

– Жиззах вилоятининг фольклор санъати гоят бой ва ўзига хос бўлиши билан бирга, тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган, дейди фольклоршуно олим Р.Саримсоқов. – Кўплаб олис қишлоқ ва овулларни айланиб, юздан ортиқ халқ кўшиқларини тўплашга муваффақ бўлдик. Улар "Кўҳна Жиззах навалари" ва "Тоғларни жаранглатган кўшиқлар" тўпламларида чоп этилди. Бу халқ ижодиёти намуналари ёшларни меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, тўғрилиқка ундаши билан аҳамиятлидир.

"Энг яхши фото ва видеолавҳа" кўрик-танловида видеолавҳалар йўналишида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Дунё бўйлаб" телеканални ходими Озода Тўрақуллова олий ўринга, "Маҳалла" телеканални ходими Муҳайё Эгамбердиева ҳамда "Маданият ва маърифат" телеканалидан Сафарали Курбонов биринчи ўринга лойиқ топилди.

Танловнинг фотосуратлар йўналиши бўйича олий ўринга Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиғи фотомужбири Аъло Абдуллаев, биринчи ўринга қорақалпоғистонлик Атаназар Қаллиев ҳамда наманганлик Ҳамдамжон Мамадалиев сазовор бўлди.

**Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЎЎҒА ХҲРМАТИИ ПОЙТАХТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиб, газ етказиб бериш борасидаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари ҳонадонларида хатлов ишлари олиб борилмоқда.

Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргалиқда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

**"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавсумотида кўра, 13 январда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шароити шаҳар таради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавсумотида кўра, 13 январда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шароити шаҳар таради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража ишқ бўлади.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Миробод туманлараро СИБ томонидан 2014 йил 31 октябрдаги № 1-2248/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган: қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 26-ўйда жойлашган турар жой биноси. Ер майдони 50,70 кв.м. умумий майдонидан иборат турар жой қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси – 131 358 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2017 йил 13 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 10 февраль кунини соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижроичилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chnmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207 122 519 га тўлашлари шарт.  
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-"А" уй.  
Тел./факс: (0371) 253-20-28. [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz), [rieltsavdo@inbox.uz](mailto:rieltsavdo@inbox.uz)  
Лицензия: RR-0001.

**Тошкент Оқшомми**

Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтамитга" — 233-74-05 телефонига murojaat қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сажифаланди.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: [gazeta-vto@mail.uz](mailto:gazeta-vto@mail.uz)

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 12125 нухсада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20

1 2 3 4 5